

A LOOK AT THE ACTIVITIES OF OSMAN KHOJA IN THE USSR

Mahmudov Akmal Mannonjonovich

Fergana State University, 2nd year doctoral student.

Sulaymonov Qurbon

Associate Professor of Fergana State University

Annotation: This article reveals the struggle for national statehood of Usmon Khoja Pulatkhodjaev, a national liberation fighter and propagandist who played an important role in the development movement in Bukhara and Turkestan as a whole, and his activities as a finance minister in the USSR.

Keywords and phrases: Finance, coin, money, amir, seal, gold, silver, kilogram, ton, government.

Бухоро Халқ Соет Республикаси ташкил топиши ва фаолиятида 1878 йилда Фарғона вилояти Ўш уездида дунёга келган Усмон Хўжа Пўлатхўжаев алоҳида ўрин эгаллайди. Маълумки, 1920 йил БХСР Тарихий тадқиқотларда БХСР ҳукумати–Нозирлар Шўроси 1920 йил 14 сентябрда ташкил топганлиги, биринчи ҳукумат 11 кишидан иборат бўлиб, унинг рўйхатида Усмон Хўжа молия нозири деб келтирилади. 1920 йил 6-8 октябрда Бутун Бухоро халқ вакилларининг биринчи қурултойида БХСР ташкил топганлиги эълон қилинди. Бухоро Халқ Республикаси ҳукуматида молиявий ишларни тартибга солиш, товар-пул муомаласини мутаносиблаштириш, аҳолига маош бериш чораларини кўриш Молия Нозиридан жуда катта масъулият ва ишчанлик талаб қиларди. БХСР Марказий Инқилобий Қўмитаси 1920 йил 21 ноябрда 7-сонли ва 8-сонли иккита қонун қабул қилди. Бу қонунларнинг ҳар бири 4 банддан иборат бўлган, 7 ва 8 рақамли қонунларда Бухорода пул муомаласини тартибга солиш мақсадида вақтинча Бухоро Амири томонидан 1918 йилда зарб этилган “танга” деб аталган қоғоз пуллар, Туркистон АССР қоғоз пуллари(бонн), шунингдек, 1919 йилда зарб этилган совет пуллари бирдек муомалада бўлиши кўрсатилган[1]. Бироқ, Туркистон АССР пуллари тез қадрсизланиб, уни 1921йил 1 январига қадар 10 сўми 1 сўмга тенглаштириб алмаштирилиши белгиланган[2]. Амирлик даврида зарб этилган “танга(қоғоз)” пуллар йиғиб олина бошланган, улар орқасидаги амир муҳри ўчирилиб, Бухоро Республикасининг тегишли шаклдаги муҳри босилган ва муомалага чиқарилган. Муҳри ўзгартирилмаган пулларни қўллаш қонун назоратига олинган, қолипсиз ва муҳрсиз пуллар сохта ҳисобланиб, молия нозирлигига топширилиши 5-рақамли буйруқ билан расмийлаштирилган[3]. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев молия нозири бўлиб республикадаги танг иқтисодий муносабатларни изга солиш, товар-пул муомаласини тартибга солиш, одамлар қўлида тўпланаётган, ўз қадрини йўқотиб бораётган қоғоз пулларни муомаладан чиқариш, чайқовчиликни бартараф этиш, инфляцияни пасайтириш, нарх-навони ошиб боришини олдини олиш, мояналарни ҳодимларга ўз вақтида тўлаш каби кўпдан кўп муаммолар билан тўқнаш келган. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев Иқтисодий Кенгаш раҳбарлигига ўтказилгандан сўнг ҳам молиявий масалалар, аҳолини зарурий озиқ-овқат товарлари билан таъминлашда куч-қудрати ва тажрибасини аямади. Юқоридаги фикрни архив манбаси тасдиқлайди. 1920-1921 йилларда Бухоро Республикасидаги иқтисодий сиёсатнинг йўналишларини ишлаб чиқишда Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа, Абдуқодир Муҳиддинов, Порсо Хўжа сингари иқтисодни чуқур тушунган сиёсий арбоблар муҳим роль ўйнадилар. Улар Бухородаги молия ва савдо тизимларига катта ўзгаришлар киритишди. Бухоронинг миллий валютаси (сўм, кумуш, танга) барқарор бўлиши қатъий ҳаракат қилиниб, большевик комиссарлари тазйиқларига қаршилик кўрсатдилар. Улар яқка ҳунармандлар ва майда савдогарларни солиқ юкидан озод этиб, Қизил Армия эҳтиёжлари учун тўпланадиган солиқларни қисқартиришни қатъий талаб қилдилар – деб маълумот берилган архив ҳужжатида[4]. Бироқ, БХСР ҳукуматида пул тизими 1924 йилга қадар барқарор йўлга қўйилмади. 1922 йил 1 январда Республика ҳукумати матбаа усулида “танга” деб аталган қоғоз пул зарб этди. Ушбу пул

тезда кадрсизланиб, 1922 йил 5 декабрда 1000, 2500, 5000 сўмлик қоғоз ақчалар зарб этилди. Маош тўлашда ҳукумат аъзоларига янги пул билан, бошқа ишчи ходимларга эски пул билан ҳақ тўлашга ўтилди. Кўрилган чоралар кутилган натижани бермаганидан сўнг, 1924 йил баҳорида амалдаги барча пуллар ўрнига “червонец” жорий этилди[5].

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев фаолиятида Бухоро амирлиги хазинаси билан боғлиқ масалалар ҳам мавжудлиги манбаларда алоҳида қайд этилган. Маълумки, Бухоро амирлиги олтин хазинаси мислсиз йирик бойликни ўзида жамлаган бўлиб, амирлик даврида унга асосан бош хазинабон масъул бўлган. Унинг қўлида 40 нафар киши фаолият юритган ва кирим-чиқим дафтари ҳам хазинабон қўлида бўлган. Тадқиқотчи С Холбоевнинг ёзишича 1917 йилда Насрулло кушбеги бошчилигида Амир Олимхон буйруғи билан рўйхатга олинган олтин хазинанинг миқдори ҳақидаги малумотни ҳам тўла-тўқис, охирги деб бўлмайди. “Мирзо Насруллабий кушбеги 1917 йилда хазинани жуда махфий ҳолда рўйхатга олган, хазинада сақланаётган бойликлар Бухоро тилласи, рус тилласи, Гамбург тилласи ва кумуши, майда рус олтин ва кумуш тангалари, мис тангалар, олтин кукуни, бриллиант, гавҳар (ишлов берилган бриллиант), олмос, турк тилла лираси, испан пиастраси, инглиз фунт-стерлинги, узук ва марваридлар, тилла ва кумуш парчалари, бриллиант қадалган чопон ва қиличлар, олтин дастали қилич ҳамда бошқа буюмлар, бошқа қимматбаҳо тошлар, хориж тилло тангалари, ёмбилар, афғон рупияси ва ҳоказолар, хуллас, бойликларнинг жами ўша давр пули ҳисобида 73 млн 252 минг 380 сўм миқдорида баҳоланган”- деб ёзади, тадқиқотчи С.Холбоев[6].

Совет айғоқчиси, Афғонистонда муҳожир бўлган Маҳмудбек Ойқоралининг муаллифдошлик асосида ёзилган рисоласида: “Усмон Хўжа халқ моли бўлган тиллалар (амирлик олтинлари) ва бошқа қимматли нарсаларни ўғирлаб, 1922 йилда Бухородан Афғонистонга қочиб ўтди ва у ерда ўзини Туркистон муҳожирларининг бошлиғи деб эълон қилди. Усмон Хўжа бир неча йил ичида халқдан ўғирланган нодир буюм ва нарсаларни Истанбул(Туркия) ҳамда Берлин(Германия) ресторанларида кайф-сафоларга сарфлаб тугатди ва бундан кейин у бошқа текин даромад қидириш пайига тушди[7]” – мазмунидаги тухматдан иборат асоссиз фикрлар келтиради. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев билан Афғонистонда 1930 йилларда мулоқотларда бўлган, ўзбек муҳожирларидан муфти Садриддинхон ишончига кирган Маҳмуд Ойқорали ушбу тухматли фикрларни билдиришига сабаб, Усмон Хўжа 1920-1922-йилларда БХСР ҳукумати таркибида масъул вазифаларда ишлаган пайтларда Қизил Армиянинг Туркистон қўмондони М.В.Фрунзе бошчилигидаги ҳарбийлари Эски Бухорони тарк этгандан сўнг, амирнинг қароргоҳи арқда жадидларнинг саъй ҳаракатлари билан иккита хазинахона яшириниб, босқинчилардан сақлаб қолинганди. Амир сарбозлари ва қизил аскарлар отишмалари туфайли бу хазинахоналарни тупроқ босиб қолганди. БХСР Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаев мазкур хазинахоналарни кавлаб олиш, уларда сақланиб қолган бойликларни ҳисобга олиш орқали шу аснода БХСР ҳукумати ва Бухоро Инқилобий Кўмитаси хазинаси фондларини вужудга келтириш мақсадида ҳукумат аъзоларидан маҳсус комиссия тузган. Комиссия таркибига Муҳиддин Мансуров – савдо-саноат нозири, Носир Ҳақимов – молия нозири, Ҳошим Шойиқ(Ҳошим Шайх Ёқубов) – ташқи ишлар нозири, А.М.Муҳиддинов–Бухоро Инқилобий Кўмитаси раиси ва ўша пайтда Иқтисодий Кенгаш раиси лавозимида ишлаб турган Усмон Хўжа Пўлатхўжаевлар киритилган. Советлардан яшириниб сақланган иккита хазинахонани очиш, улардаги олтин, кумуш ва қимматбаҳо буюмларни ҳисобга олиш учун тахминан 14-15 кун талаб этилган. Хазинахоналарни очиш ва улардаги бойликларни ҳисобга олиш ишларига А. Муҳиддинов ва Усмон Хўжа раҳбарлик қилиб, улар деярли ҳар куни ишчилар ҳолидан ҳабар олиб туришган. Иккита хазинадан 200 пуд(1 пуд–16кг) яъни 3 тоннаю 200 килограмм олтин, яъни 2 кадоқдан 5 кадоқкача қуйма Бухоро тилласи, 9.600 пуд, яъни 153 тонна 600кг кумуш, кўп миқдорда кимхоб, гавҳар, олтин, олмос қадалган чопон, қилич, 30 каратгача(1 карат-0.2грамм) гавҳар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар топилган. Қазиб олинган кумуш ва олтинлар тарозида тортилиб, улар миқдори аниқланган. Ушбу олтинлар ва хазина ҳисобидан БХСР ҳукумати хазинаси шакиллантирилган. Аслида совет мафкурачилари ёзганидек, Усмон Хўжа Пўлатхўжаев амир олтинлари ва бойликларини чет элга

олиб чиқан ҳам эмас, “ресторанларда кайф-сафо” ҳам қилмаганлигини унинг шахсий ҳаёт йўли тасдиқлайди. Усмон Хўжанинг Бухоро олтинлари масаласидаги салмоқли хизмати шундан иборат бўлдики, унинг саъйи ҳаракатлари ва ақл-идроки билан Бухоро халқининг бойликлари бир қисми ўз юртида сақлаб қолинди. Иккинчидан, БХСР ҳукуматининг хазинахонаси ташкил этилиб, истиқболдаги ҳукумат ушбу маблағларни иқтисодий, маданий-маърифий тадбирлар учун йўналтирди.

Адабиётлар

1. БШЖ МИК тарафидан 7 ва 8-рақамли қонунлар//Бухоро ахбори, 8-сон, 1920-йил 21-январ.
2. Ўша жойда
3. БХШЖнинг молия назорати томонидан буйруқ//Бухоро ахбори.28-сон,1921-йил 30-март
4. Ўзбекистон миллий архиви, 50-фонд, 1-рўйхат, 25 йиғма жилд, 24,25 варақлар.
5. Раҳмонов К.Ш .Бухородаги пул тизимининг даврий матбуотдаги талқини(“Бухоро Ахбори” ва “Озод
6. Бухоро” газеталари материаллари асосида)/ “XIX аср охири-XX аср бошларида Бухоро”. Республика илмий-назарий анжумани материаллари, Бухоро 2010. –Б.128.
7. Холбоев С.Ўша асар. – Б.44-46.
8. М.Ойқорали, С.М.Каримий, Ғ.Аббос. Туркистонни “озод” қилмоқчи бўлганларнинг ҳақиқий башараси. –Т.:1969(араб имлосида). – Б.7-8.